оммалашган йўналишлар – фонология, систем лексикология, структур синтаксис, лингвофольклористика, социолингвистика, менталингвистика каби соҳалар бўйича курс ишлари, диплом мавзуларини берган. Шубҳасиз, домла бу билан ўзтадқиқотлари ва шогирдларининг изланишлари орқали бугунги тараққий қилган тилшуносликка пойдевор қўйган.

Умуман олганда, ўзбек тилшунослигида ўз мактабини яратган, кўплаб шогирдларни етиштириб, ўзбек тилшунослигининг "отахони" га айланган азиз устозим Миразиз Миртожиев фаолиятининг ҳамма кирралари бугунги авлод учун ибрат бўлиши айни ҳақиқатдир.

Устоз табаррук 80 ёшга кирди. Улар ҳаётий тажриба, ижодий куч - қудратга тўлди. Умрлари зиёда, соғлиқлари мустаҳкам бўлсин. Фарзандлари, набиралари, шогирдларининг роҳатини кўрсин.

СЎЗНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

Рихсиева Г.(ТДШИ)

Сўз буюк қудратга эга. Инсон тафаккурининг чексиз қирраларини инъикос эттириши унинг асосий вазифаси ҳисобланса, қалбнинг чуқур жойларигача таъсир этиш кучи иккинчи имконияти, янгидан янги ғояларнинг вужудга келишига омил бўлиши эса яна бир хусусиятидир. Сўзнинг бу каби хусусиятлари инсоният томонидан асрлар давомида ўрганилган бўлишига қарамай, ҳозир ҳам у асосий тадқиқ манбаи бўлиб қолмоқда. Чунки инсон тафаккури қанчалик чексиз бўлса, сўз имкониятлари ҳам шунчалик беқиёсдир. Бу беқиёслик, айниқса, унинг бадиий матнда намоён бўлишида кўринади. Сўзнинг бадиий матнда ўзига хос «юк олиши», оригинал маъно касб этиши, ўзгача вазифада келиши, мазмун ва шакл бирлигига бирдек хизмат қилиши фанда турлича номланади. Бадиий асар тилини услуб жиҳатдан ўрганишга бағишланган ишларда сўзга услубий восита сифатида қаралса, адабиётшунослар уни тасвир воситалари ва бадиий унсур-шакллар ифодаси деб ўрганадилар. Фандаги поэтиклик, орнаменталлик, бадиийлик каби тушунчаларнинг асосида ҳам сўзнинг маъно қирралари ётади. Кейинги йилларда филологиянинг яхлитлигини таъминлашга йўналтирилган лингвопоэтиканинг муҳим вазифаларидан бири ҳам сўзнинг бадиий матндаги поэтик функциясини ўрганишдан иборатдир. Чунки сўзнинг асл ва турли кўчма маънолари ифодаси бадиий матнда тадқиқ асоси саналади.

Бугунги кун тилшунослик фани учун асос бўлиб хизмат қилиб келаётган анъанавий тилшунослик мактаби томонидан яратилган тил назарияси янги-янги ғоялар ва талқинлар билан бойиб бормоқда. Лингвопоэтика йўналишида иш олиб бориш жараёнида сўз ва унинг

имкониятлари доирасидаги назарий манбаларни ўрганиш жуда муҳим. Хусусан, проф. Миразиз Миртожиевнинг ишларида полисемантик сўзларнинг маъновий имкониятлари нафақат семантик жиҳатдан, балки синтактик қурилмаларнинг ўзига хослигида ҳам ифода топиши, мантиқ ва тил категорияларининг узвий алоқадорликда намоён бўлиши доирасидаги фикрлари, қатор мақолалари ҳам бу борада ўрганилиши жоиз ишлар сирасига киради.[1]

Шу ўринда сўзнинг поэтик функцияси ҳақида тўхталсак. Бадиий матнда сўзга юкланган «қўшимча вазифа»нинг намоён бўлиши сўзнинг луғатларда мавжуд асл ва кўчма маънолари билан мутаносиб келиши-келмаслиги билан ҳам белгиланади. Тилшуносликда сўз матнда қўлланганда луғатлардаги маънони ифодалаши керак, акс ҳолда у ўша сўз эмас, бошқадир деган фикр бор. Бундан фарқли тарзда матндаги сўз луғатлардаги маъноларига умуман тўғри келмаслиги, ҳатто уларга қарши бўлиши мумкинлиги таъкидланган қарашлар ҳам мавжуд .[2] Сўзнинг бу хусусияти айнан бадиий матнда поэтикликка хизмат қилади. Проф. М.Миртожиев ҳам луғатларда сўзларнинг маънолари миқдори луғат мақолаларидаги маънолар миқдорига тенг келмаслигини таъкидлаган.[3]

Сўзнинг узуал маъносидан, шунингдек, мавжуд кўчма маъноларидан ташқари бадиий матнда турли окказионал маъноларни ифодалаши поэтик нутқ учун табиий ҳол. Тилшуносликда окказионал маънони баъзан индивидуал маъно[4], баъзан услубий маъно[5] терминлари билан номлашади. Бадиий матнни тузиш жараёнида ижодкор томонидан контекстуал вазиятга ва мақсадга кўра сўзга юкланган янгича маъно окказионал маъно деб аталади. Бундай сўз матнда поэтикликка хизмат қилгани боис, бизнингча, уни оригинал маъно деб аташ ҳам мумкин. Чунки, М.Миртожиев таъкидлаганидек, окказионал маъно кўпчилик томонидан ҳатто узоқ муддат давомида қўлланганда ҳам окказионаллигича қолади, узуал маънога айланмаслиги мумкин. Демак, матнни яратган ижодкорнинг сўз орқали яратган ўзига хос тасвири сўзни оргинал тарзда қўллашида вокеланади.

Кўринадики, сўзнинг маъно қирраларини бадиий матнда намоён бўлиш чегаралари ва уларнинг илмий таҳлили талаб этилади. Бунда,

---

[1] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент:Фан, 1975.; Миртожиев М. Переносные значения и их манифестация в ўзбекском языке. - Дисс. на соиск. доктора фил. наук.- Т., 1989.; Миртожиев М. Мантиқий предикатнинг эга вазифасида келиши.// Ўзбек тили ва адабиёти. - 1995, №2; Миртожиев М. Мантиқий предикатнинг иккинчи даражали бўлаклардан бирида ифодаланиши.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1995, №4 ва б.

[2] Виноградов В. Стилистика. Теория речи. Поэтика. М., 1963. с.140; http// ksana-л.narod.ru/book/poet/07.html.;

[3] Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент:Фан, 1975, 14-б.

[4] Ефимов А. Стилистика художественной речи. М,1961. с.121.

[5] Бельский А. Метафорическое употребление существительных. Уч. записки. 1-МГПИИЯ, т.VIII, 1954. С.286.

биринчидан, сўзнинг поэтик функциясини аниқлаш доирасида янгича маъно касб этган бирликларни фарқлаш ва ажратиш, иккинчидан, мазкур бирликлар матнда намоён бўлган поэтик тасвир қайси восита орқали ифода топгани, уларнинг туташ ўринларини аниқлаш зарур. Чунки, поэтик нутқнинг моҳияти биттагина алоҳида олинган сўзда эмас, балки нутқнинг бадиий шакллантирилгани, умумий нутқ элементларидан поэтик фойдаланишда кўринади.[1] Шунингдек, сўзнинг поэтиклашиши поэтик нутқ жараёнида бирор услубий функция бажариши билан белгиланади.[2]

Мавжуд фикрларни ўрганиш асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин: 1. Сўзнинг поэтик функцияси ижодкорнинг мақсадини қай тарзда ифода этишига кўра асар матнида маъно ва шакл мутаносиблигига хизмат қилишда намоён бўлади. 2. Сўзнинг ўзига хос қўлланиши синтактик ҳодисалар (масалан, эллипсис, конструкцияларнинг ихчамлашиши ва ҳ.к.) билан асар поэтикасини вужудга келтиради. 3. Сўз экспрессивликни оширади, поэтик тасвир учун асос бўлади.

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ, ФИДОИЙ МУАЛЛИМ

Ҳамидов З. (ЎзМУ)

Устоз-муаллим Миразаиз Миртожиев ўз фаолиятини доимо педагогик таълимот билан чамбарчас боғлиқ ҳолда давом эттириб келаётган заҳматкаш олимлардан ҳисобланади. Синчков тадқиқотчи ўзбек тилини ўқитиш борасида ўзига хос янгича педагогик технологияларга асосланган қатор дарслик, методик қўлланмалар муаллифидир. Олимнинг илмий назарияси ўзбек тилига оид монография ва дарсликларида оддий ва содда услубда ёритилганлиги билан ажралиб турса, баъзида ўта чуқур илмий мулаҳазаларининг устун эканлиги ҳам яққол сезилади. Устознинг оддий, содда тилда ёзиши, тушунтириш услуби, ҳатто, унинг илмий мақолаларида ҳам сезилади.

Тадқиқотчи тилшуносликда *функциядошлик* деб аталиб келган термин ҳақида махсус тўхталиб *"Вазифадошликнинг турлари"* (ЎТА, 1974, №3 26–29-б.) номли мақоласини ёзди. Натижада сўнгги йилларда *функциядошлик* ўрнида она тилимизда *вазифадошлик* термини ишлатила бошлади. Тажрибали педагог содда, жўн тушунтириш услубидан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу доирасида тилшунослик терминларининг эскирган ёки янги ўзлашган кўринишларини ёдга

[1] Виноградов В. Ўша асар, 140-б.; Умуркулов Б. Поэтик нутк лексикаси. Т.: Фан 1990. 44-б.
[2] Умуркулов Б. Поэтик нутк лексикаси. Т.: Фан 1990. 43-б.